

АВТОМОБИЛЬ ЁНИЛГИСИ САВДОЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ТАРТИБИ ТҮГРИСИДА АХБОРОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ, ШУНИНГДЕК ЛИЦЕНЗИЯ ОЛИШ УЧУН АРИЗАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг комиссиялари томонидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг **2003 йил 28 июндан № 289 - сонли «Нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчалари ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш түгрисида»** қарори асосида амалга оширилади.

Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар:

Лицензия олиш учун лицензия талабори "Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлимига қуидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банқдаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг (ёхуд унинг бир қисмининг) лицензияланадиган тури кўрсатилган ҳолда лицензия бериш түгрисидаги ариза;
- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўtkazilganligi түгрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- лицензия бериш түгрисидаги аризанинг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йифим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- фаолиятнинг лицензияланадиган турини амалга ошириш учун фойдаланиладиган стандартлар, нормалар ва қоидаларга мувофиқ келувчи бинолар, иншоотлар, муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарга эгалик хуқуқининг ёки бошқа ашёвий хуқуқнинг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- "Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлимининг автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчалари ва мой алмаштириш пунктларининг нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, ҳисобга олиш ва сотиш учун асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги ҳолати, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг маҳсус маълумотга эгалиги түгрисидаги хulosasi;
- Ўзбекистон Республикаси "Саноатконтехназорат" давлат инспекцияси бўлинмасининг автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчаси ва мой алмаштириш пунктининг нефть маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва сотишида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги түгрисидаги хulosasi;
- ёнғин назорати ҳудудий органларининг автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчаси ва мой алмаштириш пунктининг ёнғиндан сақлаш талабларига мувофиқлик түгрисидаги хulosasi;
- "Ўзстандарт" агентлигининг ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари томонидан бериладиган метрологик таъминот түгрисидаги хulosasi;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлинмасининг автомобилларга ёнилғи қуиши шохобчаси ва мой алмаштириш пунктининг табиатни муҳофаза қилиш ва экология талабларига мувофиқлиги түгрисидаги хulosasi.

Лицензия талаборидан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

Ҳужжатлар лицензия талабори томонидан "Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлимига бевосита ёхуд олинганлиги түгрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали етказиб берилади.

Лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатлар "Ўздавнефтгазинспекция" ҳудудий бўлинмасининг масъул шахси томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана түгрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талаборига юборилади (топширилади).

Лицензия бериш тұғрисидаги аризаниң күриб чиқылғанлығы учун қонун хұжоатларыда белгиланған әнг кам ойлык иш ҳақининг иккі баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Лицензия бериш юзасидан хұжоаттарнинг күриб чиқылғанлығы учун йиғим суммаси Қарақалпоғистон Республикасы Вазирлар Кенгашы, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликтерининг ҳисоб рақамига үтказилади.

Лицензия талабгори берилған аризадан воз кечган тақдирда тұланған йиғим қайтариlmайди.

Тақдим этиладиган ариза шакллари

Ариза

Масъул шахс:

Тошпұлат Шавкат

Вилояти ҳокимининг саноат, табиғаткорлық, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хұжалиғи масалалари бүйічә ўринбосары етакчи мутахассиси

Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-үй, 140100

Тел.: 8 (366) 235 60 81

sh.toshpulatov@samarkand.uz